Ушбу сонда:
2 ҲУНАРЛИ КАМ БЎЛМАС
3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ
4 *Бу сирли олам* МАНГУ МУВОЗАНАТ МАКТАБИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 27 январ, сешанба № 13 (1646)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



*Фармон ва ижро*

## ФЕРМЕРЛАРГА СЕРВИС ХИЗМАТИ

***Ўзбекистон Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига унча кўп вақт бўлганича йўқ. Шунга қарамасдан, Бухоро вилоятида янгича йўсинда иш юритаётган фермер жамоаларини янада ривож топишини кўзлаб муайян ишлар амалга оширилаётир. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқилган концепция тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун мустаҳкам замин тайёрлашга қаратилмоқда. Деҳқон-фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган идоралар ҳам ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, ўз дастурларини ишлаб чиққанлар.***

Вилоятда 2004 йилнинг ўзидаёқ 30дан ортиқ ширкат хўжаликлари тўла-тўкис фермер жамоаларига айлантирилади. Ўз-ўзидан уларга минерал ўғит етказиб бериш масаласини ҳал қилиш зарур. Одатдагидек, бу юмушни вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси бажариши шарт.

- Бирлашма ва унинг туман филиалларининг етакчи мутахассисларидан ташкил топган махсус ишчи-гуруҳи жойлардаги минерал ўғитлар сақланадиган омборларнинг аҳволини пухта ўрганиб чиққач, умумий аҳволни атрофлича муҳокама этдик. Шу асосда янгидан ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларга ҳам қулай, ҳам фойдали бўлишини кўзлаб, минерал ўғит тарқатадиган 17 та қўшимча шохобчалар ташкил этиш режалаштирилди, - дейди вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмасининг раис ўринбосари Иброҳим Толибов.- Комиссия хулосасига кўра Жондор ва Қоракўл туманларида 3 тадан, Вобкент ва Пешку, Шофиркон ҳамда Олот туманларида 2 тадан, қолган туманларда эса биттадан шохобчалар барпо этилади. Фермер жамоалари билан уларга хизмат кўрсатадиган нуқталар орасидаги масофа кўпи билан 8-10 километрдан ошмайди. Бу эса минерал ўғитларни ташишда жуда қўл келади.

Яқинда вилоятда ўтказилган семинар қатнашчиларига ишни ташкил этиш юзасидан воҳада шаклланиб бораётган ушбу тажриба жуда маъқул тушди. Улар Ромитан, Жондор, Қоракўл туманларидаги фермерларга хизмат кўрсатаётган шохобчалар фаолиятини юқори баҳоладилар.

2004 йилнинг 1 январ ҳолатида вилоятда фермерларга 21 та минибанк, 18 та ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотадиган масканлар, 28 та муқобил МТПлар, 27 та минерал ўғит тарқатадиган шохобчалар, 17 та сувдан фойдаланиш уюшмаси, 13 та консалтинг хизмати, 2 та тайёрлов идоралари, 23 та ветеринария хизмати кўрсатадиган нуқталар ташкил этилди. 2005 йилга бориб уларнинг сони кескин оширилади. Фермерларга лизинг асосида кўплаб техника воситалари етказиб бериш ҳам мўлжалланмоқда.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ҳур Ўзбекистонимизнинг энг катта бойлиги бу унинг фидойи, омилкор ва саховатли инсонларидир. Садоқатни деҳқондан ўрганиш керак, деган нақл бамисоли Миришкор туманидаги «Миришкор» ширкат хўжалиги механизатори Илҳом Қорабоевга (юқоридаги сурат) ўхшаган ўз касбининг усталарига айтилган. Меҳнат зарбдори техникадан унумли фойдаланиш, экинларга оби-тобида ишлов беришда барчага намуна.

Шу хўжаликда обрў-эътибор қозонган ташаббускор инсонлардан бири техника ихлосманди Бегмат Очиловдир. У 20 йилдирки ўзига бириктирилган юк машинасини моҳирлик билан бошқариб келмоқда.

«Касби-88» очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси М.Ҳолматов (ўнгдан биринчи) кўпинча меҳнаткашлар орасида бўлиб, уларни қизиқтирган масалаларни атрофлича ўрганади. Одамлар қалбига йўл топиб, уларни мақсад сари руҳлантиради.





Шавкат СУЛТОН олган суратлар

### БЕШКЕНТ ТОЛАСИ - ХОРИЖГА

***Қарши туманидаги Бешкент пахта тозалаш заводи ўтган йили ширкат ва фермер хўжаликларидан 28 минг тонна пахта қабул қилиб олди. Шу пайтгача унинг 11,3 минг тоннаси қайта ишланиб, тўрт минг тонна тола олинди ва унинг ўттиз беш фоизи юқори навларга сотилди. Бешкент толасининг деярли ҳаммаси хорижга - АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатларга экспорт қилинмоқда.***

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарлари семинарининг навбатдаги машғулотида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва инвестицияни жалб этиш мавзуида маъруза қилди.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва салмоғини ошириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ташқи иқтисодий савдо алоқаларини кенгайтиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Янги ташкилий-хўжалик тизими тузилиши рағбатлантирилаётгани туфайли аграсаноат корхона ва бирлашмаларининг мустақил ҳолда жаҳон бозорига чиқиши учун кенг йўл очилмоқда. Зеро, етиштирилаётган ноз-неъматлар ўзининг сархиллиги ва табиий таркиби билан хориж бозорида бемалол рақобатлаша олади.

- Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган соҳа раҳбарларининг бу галги ўқув семинари машғулотлари мавзуларининг кенг қамровлилиги, ранг-баранглиги, йирик олим ва мутахассисларнинг жалб этилгани билан бизда катта қизиқиш уйғотди, - деди Асака тумани ҳокими Т.Ёқубов ЎзА мухбирига. - Бу ерда олган билим ва тажрибамизни жойларга борганимизда амалиётга жорий этамиз.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хўжаев, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси А.Аюпов, «Ўзбек ипаги» уюшмаси раиси Ш.Умаров ва бошқаларнинг ҳам маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

**(ЎзА)**

*Тадбиркорлик — давр талаби*

## САҲРО ҚЎЙНИДАГИ «КУМУШ КОСА»

Наманган аэропортидан кўтарилган самолёт аста-секин юқорилаб, мамлакатимиз пойтахти Тошкент сари йўл олди. Унинг қанотлари остида Фарғона водийсига хос манзаралар: сўнгсиз боғлар, мовий белбоғни эслатувчи ойнадек ялтираб оқаётган Сирдарёнинг ҳар тарафига сочдек ёзилган кўпдан-кўп ирмоқлари. Яқиндагина одамлар билан гавжум бўлган, ҳозирда эса қиш уйқусида мудраётган экин майдонлари. Марказий Фарғонанинг кимсасиз саҳроси, Мингбулоқ туманининг кун ботардаги чегарасига етаётганимизда пастликда, нортуядек чўкиб ётган қум барҳанлари ўртасида қуёш ёғдусида «кумуш коса»дек ялтираган манзара ҳосил бўлди. Ўтирганлар қизиқиш билан унга тикилишди.

– Саҳро бағридаги уммонни қаранг!

– Кўл қандай пайдо бўлган экан?

– Унинг бекор ётганлигини кўринг! Насос билан сувини атрофга олишса бўлмасмикан!

Кимдир ҳукмрон овоз билан деди:

Чўлда сувни бекор ётишига йўл қўйиб бўлармиди! «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг ёрдамчи тармоғи жойлашган бу ерда. Иморатларни кўрмаяпсизми?..

Баҳсга якун ясаган йўловчи тўғри гапираётган эди. Бу ерда чиндан ҳам Мингбулоқнинг Поп тумани билан чегарадош «Гулбоғ» ширкат хўжалигига қарашли балиқчилик тармоғи фаолият кўрсатади.

Йўловчиларнинг юқорида тилга олинган мавзудаги мулоқотини тинглар эканман, 70-йиллар ўрталарида, ўша маҳалда ушбу хўжаликка раҳбарлик қилиб, уни оёққа турғизган, номини бутун Ўзбекистонга танитган, серғайрат ташкилотчи, саҳро шароити билимдони Лутфулло Муҳаммедзияев билан учрашувимиз, биргаликда хўжалик далаларини обдон кезганларимиз ёдимга тушди. Лутфулло ака Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳини битиргач, аввалига бир неча йил Поп тумани хўжаликларида ишлаб, сўнг «Гулбоғ» хўжалиги раҳбарлигига тайинланган эди. Ғоят меҳнаткаш ва камтарин бу инсон чорак аср атрофида шу лавозимда ишлаб, нафақага чиқди ва гулбоғлиқ бўлиб қолди. Бир сафар йўлим тушганида, Лутфулло ака билан яна учрашдим.

– Меҳнатим асосан шу ерга сингди, – деди шунда у. – Хўжалик шу давр ичида ўн-ўн беш кишилик маҳалладан мана кўраётганингиздек салкам шаҳарга айланди. Шу ерда оила қурдим, бола-чақалик, набиралик бўлдим. Тағин қаёққа бориб бундан ортиқ қадр топардим. Юқорида таъкидланганидек, биринчи бор келганимда Муҳаммедзияев билан хўжалик далаларини роса айландик. Вақт тушликка яқинлашганда, термосдан қайноқ чой қуйиб узатаркан деди:

– Зерикмаган бўлсангиз, ҳозир бир ерга олиб бораман. Ёрдамчи тармоғимиз бор.

Машинамизни ўша томонга қараб бурдик. Ҳамроҳим айтган жой балиқчилик хўжалиги эди. Биз қум барҳанлари оралиғида кўл бўйига етиб келганимизда бир гуруҳ йигитлар ишлашаётган экан. Улардан бири тўр тортиб чиқаряпти. Иккинчиси озуқа ташлаяпти. Яна бошқаси Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидан келтирилган балиқчаларни сувга қўйиб юборяпти.

Айтишларича, кўл азалдан заҳ сувлар йиғиладиган ташлама бўлган. Умумий сатҳи салкам 100 гектарни ташкил этган майдонни зовур қазиб, қуритиш таклифи ҳам билдирилган. Аммо бунинг учун катта маблағ талаб этилган. Шунда Лутфулло ака бу ерда ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ташаббуси билан чиққан ва бу иш амалга ошган. Бунинг учун хўжаликда мавжуд бўлган техникадан фойдаланиш талаб этилган холос. Икки йил ўтиб-ўтмасдан дастлаб туман озиқ-овқат дўконлари, кейинроқ эса вилоят савдо тармоқларида «Гулбоғ» балиғи пайдо бўлди.

Ҳа, Лутфулло Муҳаммедзияев ва у сингари Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш қалдирғочлари меҳнати билан бунёдга келган мўл-кўлчилик тармоқлари бугунда ҳам эл дастурхонини безатиш, кишилар умрини узайтириш йўлида хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг ўзидагина Наманган шаҳри ва Давлатобод ҳамда Мингбулоқ туманлари савдо шохобчаларига 100 тоннага яқин балиқ етказиб берилди, – дейди биз билан суҳбатда хўжалик раҳбари Акромжон Ҳайдаров. Балиқлар табақалаштириб боқилаётганлиги учун барвақт етилмоқда. Балиқшунос Ю.Усмонов, ишчилардан Х.Хўжамбердиев, З.Сайдалиев, Ж.Мамажонов ва С.Исоқовлар уларни ҳар куни кучайтирилган рацион асосида боқиб, семиртиришмоқда.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Бор бўл, оқибат!*

***Бошингга иш тушса меҳрни, далдани қумсаб қоларкансан. Ана шундагина яхшилик қадрига етаркансан. Буни сирдарёлик Шарофат Усмонова ўз бошидан кечирди.***

### Кекса педагог Шарофат ая:

## ЯХШИЛАРДАН ҚАРЗДОРМАН

Умрини ёш авлод тарбиясига бахшида этган Шарофат опа «Синдаробод» хўжалигида тинч-тотув яшаб келарди. Ҳавас қилса арзигулик ҳовли-жойи бор эди. Аммо зовур ёқасидаги уйи бир кун келиб таппа қулайди.

Оилада олти жон. Кимнинг эшигида сарғаяди. Дилда юпанч бўлганлар кўп бўлди. Аммо бунинг ҳаммаси бошпана бўлолмас экан. Шу орада ҳодисадан хабар топган Сирдарё туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Алижон Матхолиқов етиб келди. Айни чоғда муайян кўрсатиладиган маблағ ҳам, далда ҳам Шарофат опа кўнглини кўтаролмаслигини сезди. Шу боис халқ таълими бўлими мудири Салоҳиддин Элмуродовга дил ёрди. Опага битта уй бўлса, айни муддао бўларди, деган таклифни билдирди. Ахир Шарофат Усмонованинг соҳага меҳнати кам сингмаган. Бу муаммони ҳал этишга мудир ҳам касаба уюшма етакчиси ҳам жиддий киришди. Мактаб ва боғча раҳбарлари ҳам ҳамкасбларига бажонидил кўмак кўрсатиш истагини билдиришди.

– Малик хўжалигидаги эски боғча биносини таъмирдан чиқариб, шу хонадонга топширсак қалай бўларкан, – деб қолди мудир.

Бу таклиф қоронғуда милт этган нурдек барчанинг кўнглини ёритди. Тезда ишга киришилди. Ҳашар йўли билан анча-мунча иш қилинди. Жамоа ва касаба уюшма қарори билан Шарофат Усмоновалар хонадонига хусусий мулк қилиб, бепул берилди.

–Меҳр-оқибатли кишилар борлигидан ғоят хурсанд бўлдим, –дейди Шарофат Усмонова. – Бошимизга ташвиш тушганда ёлғиз эмаслигимизни ҳис этдик. Натижада қадрдон касбимга, одамларга меҳрим янада ошди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Бухоро шаҳридаги «Кўкалдош» мадрасасида халқ амалий санъати марказини ташкил этди.

### ҲУНАРМАНДЛАРГА ИМКОНИЯТ

- Ўтган асрнинг ўрталаригача шаҳримизда тароқчилик, пичоқчилик, қулфсозлик, тақачилик, мисгарлик, ойнасозлик каби ўттиздан зиёд ҳунармандлик устахонаси ишлаб турган, - дейди жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Ражаб Қулиев. - Қўли гул усталар халққа хизмат кўрсатиш билан бирга миллий ҳунармандлигимиз довруғини дунёга таратган.

Йиллар ўтиши билан бу устахоналар аста-секин камайиб, халқ амалий санъатининг кўпгина турлари унутила бошланди. Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейингина қадимий миллий қадриятларимизга эътибор кучайди.

Янги ташкил этилган марказ ҳузурида йигирмадан зиёд устахона очилиб, моҳир ҳунармандларга ўнлаб ёш шогирдлар бириктилади.

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Як-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Як-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси Давлат учиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси экспертлари, Ўзбекистон Республикаси тергов ва ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда 2004 йил 13 январда рўй берган авиаҳалокат тафсилотларини атрофлича ўрганиб чиқди. Ҳалокат сабабларини ўрганиш ишларида Ҳукумат комиссияси аъзолари билан бирга А.Яковлев номидаги Тажриба конструкторлик бюроси ҳамда МДҲ Давлатлараро авиация қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Олиб борилган текширув жараёнида объектив назорат воситалари («қора қути») кўрсатмалари, бортдаги ҳамда ердаги навигация воситаларининг техник ҳолатини батафсил ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Самолёт бўлаклари синчиклаб текширилди, экипаж ҳамда ҳаво кемасининг парвоз олдидан тайёргарлиги, самолёт парвоз қилган шароит ва унинг қўниши тафсилотига гувоҳ бўлган кўплаб кишилардан зарур маълумотлар олинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Термиз-Тошкент йўналиши бўйича НY-1154 рейсни амалга ошираётган Як-40 самолётининг 37 кишининг ҳалок бўлишига олиб келган авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича олиб борилган текшириш якунларига биноан Ҳукумат комиссияси қуйидаги хулосаларга келди.

Самолётнинг техник ҳолати ва экипаж аъзоларининг малакаси бу русумдаги ҳаво кемалари эксплуатацияси учун белгиланган талабларга жавоб берган.

Самолётнинг ўзиёзар ускунасидаги («қора қути») ёзувлар таҳлиллари шуни кўрсатдики, парвоз жараёнида ҳамда қўниш вақтида двигателлар ва ҳаво кемасининг бошқа тизимларида носозлик бўлмаган, бортда ёнғин, бирон-бир шикастловчи воситаларнинг таъсири ёки террорчилик ҳаракати аломатлари қайд этилмаган.

Қўнишни таъминловчи радиотехник воситалар барқарор ишлаб турган ва соз ҳолатида бўлган.

Ҳаво кемаси парвози, унинг қўниши мураккаб метеорологик шароитларда кечган, Тошкент аэропорти ҳудудида кўриш имконияти қуюқ туман пайтида йўл қўйиладиган меъёрлар даражасида бўлган.

Тергов эксперимент тарзида ўтказилган парвоз билан тасдиқланган текширув натижаларига кўра, авиаҳалокат экипажнинг қўниш чоғидаги нотўғри ҳаракатлари туфайли содир бўлганлиги аниқланди.

Экипаж томонидан қўнишга тайёрлаш қоидаларига хилоф равишда чекланган кўриш шароитида бошқариш ва ҳаво кемасини қўндириш учун мўлжалланган тизимнинг зарур иш тартиби қўлланилмаган. Бу ҳол борт ускуналарида самолётнинг белгиланган пасайиш траекториясига нисбатан ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғри акс этишига, ҳаво кемасининг рухсат этилган кўрсаткичдан юқори баландликда қўниш йўлагига яқинлашиши ва қўниш чоғида ушбу траекториядан чиқиб кетишига олиб келган.

Борт ускуналарининг ностандарт тартибда ишлаётганидан дарак берувчи аломатлар борлигига қарамасдан, экипаж бу ҳақда диспетчерга хабар қилмаган, самолётнинг қўниш тизимидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ хатоларни ўз вақтида аниқлай олмаган ва қўнишга қайтадан уриниш учун иккинчи марта айланиш бўйича чоралар кўрмаган.

Экипаж рухсат этилган энг қуйи баландликда қўниш йўлагининг ердаги белгиларини аниқламасдан ва ўзининг касб маҳоратига ортиқча баҳо бериб, пасайишни давом эттирган. Натижада, бундай вазиятда баландликка кўтарилиб, заҳира аэродромга кетишни талаб этувчи қоидаларни бузган.

Йўл қўйилган хатолар сабабли самолёт қўниш йўлагига белгиланган нормалардан ташқарида тегиб ўтган. Экипаж заҳира аэродромга кетиш учун баландликка кўтарилиш борасида кечикиб кўрган чораларга қарамай, самолёт аэропорт тўсиғига урилган. Бу ҳаво кемасининг ҳалокатга учраши ва ёнғин чиқишига олиб келган.

Экипаж аъзолари ва барча йўловчилар кўплаб жароҳат олиш натижасида ҳалок бўлган.

Ҳукумат комиссияси томонидан авиаҳалокат туфайли ҳалок бўлганларнинг жасадларини яқинларига етказиш ва дафн этиш ташкил қилинди. Марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига зарур моддий ҳамда молиявий ёрдам кўрсатилди.

Бош прокуратура авиаҳалокат бўйича жиноий иш қўзғади, тергов ишлари давом этмоқда.

Ҳукумат комиссияси томонидан Дававианазорат ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан биргаликда келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик бўйича тегишли ташкилий ҳамда техник чоралар мажмуи ишлаб чиқилди.

***Бозор шароитининг ўзига хос муаммолари, қийинчиликлари бор. Бироқ омилкорлик, изчиллик ва қатъийятлик фаолият мезонига айланган жойда белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бунёдкорлик ишлари авж олдирилиб аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш ва албатта болалар спортини ривожлантириш йўлида ибратли ишларга қўл урилмоқда.***

***Бу борада Навоий вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саҳифада меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари тегишли идора ва ташкилотлар, маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан ҳамкорликда амалга ошираётган кўп қиррали фаолият ҳақида ҳикоя қилинади. Янги иш ўринларини яратиш, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибалар хусусида алоҳида гап боради.***

# ҲУНАРЛИ КАМ БЎЛМАС

***Республикамиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда Навоий вилоятининг салмоғи катта. Аниқроғи, саноат корхоналари бу борада етакчи ўринда туради. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Электрокимё», «Нуротамармар», «Ғозғонмармар», Навоий ГРЭС, «Агама», «Зарафшон-Ньюмонт» каби кўплаб йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхоналарда тайёрланаётган махсулотлар дунёда нуфузли ўринга эга. Айни вақтда республикамиз бўйича ишлаб чиқарилаётган нодир ва рангли металларнинг 96 фоизи, цементнинг 40 фоизга яқини, минерал ўғитларнинг 40 фоизидан ортиғи шу ерда тайёрланмоқда. Бундан ташқари, вилоятда ер ости ва устки бойликларининг улкан ва ноёб захиралари ҳам мавжуд.***

Мурунтов, Довгизтоғ, Кўкпатас, Омонтайти каби олтин, Нурота тизмаларидаги мармар, Қизилқумдаги фосфорит конлари воҳанинг ниҳоятда бойликлар макони эканлигидан дарак беради.

Ҳозирги кунда вилоятда 482 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми вилоят бўйича 34,9 фоизга тенг келади.

1999 йили Зарафшон олтинига «Токио биржаси сифат сертификатини бериб, уни олтин эталони», яъни бутун дунё бўйича тилла сифатини баҳолашнинг мезони қилиб белгиланди.

Истиқлол шарофати билан Навоий вилоятида ҳам мустақиллик йилларидан бошлаб кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1995 йил 25 майда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга тушди.

«Нуротамармар» корхонасининг Италия билан ҳамкорлик қилиши, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотларини Эрон, Афғонистон, Покистон давлатларига экспорт қилиниши, «Электрокимё» заводида ишлаб чиқарилаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларнинг халқ хўжалигига етказиб берилиши вилоят иқтисодиётини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Қўшма ва кичик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар истеъмолчилар эътиборини қозонмоқда. Жумладан, «Тизол-Н» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилган базальт толалари космонавтика, тиббиёт, авиация ҳамда завод ва фабрикаларда ишлатилмоқда. «Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус» янги темирйўлини ишга туширилиши иқтисодиётни ривожланишида катта воқеа бўлди.

Пахта, ғалла, пилла, қоракўл, чорвачилик, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ривожлантирилиб, боғдорчилик ва узумчилик йўлга қўйилган. Хўжаликларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида Маликчўл ва Ўртачўл воҳалари боғ-роғлар ва экинзорларга айлантирилди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган 3700 дан ортиқ фермер хўжаликларининг ишга ва ерга муносабати ўзгарди. Конимех, Томди, Учқудуқ ва Нурота туманларида чорва моллари сонини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар йўлга қўйилган. Бугунги кунда яйловларда қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг 1,5 миллион бошдан ортиқ моллари боқилмоқда.

Бу йилги тул мавсумини ҳам чорвадорларимиз юқори кўрсаткичлар билан якунлашди. Пиллакорларимиз давлат шартномавий режаларини ошириғи билан бажаришди.

Саноатни мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2002 йил 12 апрелдаги Президент Фармони билан Навоий Давлат Кончилик институти «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни тасаррувига ўтказилди.

Мазкур институт Тем-ПУС Тасис дастурига асосан «Ўзбекистон ва Европа иттифоқи олий ўқув юртларида масофадан ўқитиш» лойиҳаси асосида Германия, Голландия ва Дания университетлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Фарзандларимиз келажаги учун 20 дан ортиқ замонавий спорт иншоотлари, теннис кортлари ва спорт соғломлаштириш майдончалари қурилди.

Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» ва «Химик» спорт саройлари, «Дельфин» сузиш ҳавзалари одамлар хизматида.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда вилоят аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи табиий газ билан таъминланган. Нурота шаҳри ва Ғозғон қўрғони кейинги икки йилда тўлиқ газлаштирилди. 2 минг километрдан ортиқ сув қувурлари ётқизилди.

Маданий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Навоий Давлат педагогика ва кончилик институтларида 6 минг нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқдалар.

Касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар қурилишлари бўйича кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, мустақиллик йиллари давомида 7850 ўринли 12 та касб-ҳунар коллежлари, 1500 ўринли 2 та академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мавжуд 378 та умумтаълим мактабларининг бир қисми ёки 142 таси Қизилқумнинг чўл ҳудудларида жойлашган. Вилоятдаги мактабгача тарбия муассасаларининг 69 тасида рус тилида, 19 таси қозоқ тилида, 1 тасида тожик тилида сўзлашувчи аҳолининг фарзандлари тарбияланишмоқда.

Мактабларни жорий ва капитал таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Вилоят тарихида биринчи маротаба ойнинг бир куни «мактаблар куни» деб эълон қилинди. Агар бюджет ҳисобидан мактаблар қуриш ва таъмирлаш ишларига 315 миллион сўм ажратилган бўлса, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ёрдами билан 1 миллиард 600 миллион сўм ана шу мақсадларга сарфланди. Бу борада, айниқса, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати кўрсатаётган беғараз ёрдамни таъкидлаш жоиз. Комбинат ўтган йили Томди, Учқудуқ, Конимех туманларидаги барча мактаблар, спорт майдонларини тартибга келтирди, спорт жиҳозлари билан таъминлади. Вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидаги таълим муассасаларига ҳам ёрдам кўрсатилди.

Касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларга бугунги кунгача бюджет ҳисобидан 1 миллиард 259 миллион 134 минг сўмлик ўқув-лаборатория жиҳозлари етказиб берилди. 9 коллеж ва 2 академик лицей Корея давлати кредити ҳисобидан 399 миллион сўмлик, шунингдек, Конимех ҳамда Томди қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари, Навоий шаҳридаги академик лицей Осиё тараққиёт банки биринчи транши ҳисобидан 224 миллион 600 минг сўмлик жиҳозлар олди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёлғиз оилаларни, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчиларини, саховат уйларидагиларга меҳр-мурувват, хайр-эҳсон ёрдами кўрсатишда касаба уюшмаларининг етакчилик роли сезиларли бўлаётир. Ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўрсатилган ёрдамнинг 1,5 миллионини касаба уюшма маблағлари ташкил этди. Шу асосда меҳрибонлик, саховат уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳомийлардан 40 миллион сўмликдан ошиқ меҳр-мурувват ёрдами олишди.

**Мусаллам ИБРАГИМОВА,**
**Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси**

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

# САХОВАТЛИЛАР МАДАДИ

Бизда ҳеч ким, ҳеч қачон жамиятдан ажралиб қолиши мумкин эмас. Бу борада Навоий вилоятида, айниқса, ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Кексалар, ногиронлар, якка-ёлғизлар, «Мурувват» ва «Саховат» уйларидагилар ҳомийлар ёрдамини ҳар қадамда ҳис қилиб туришибди. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, Навоий ГРЭСи вилоятдаги ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга ва Нурота «Мурувват уйи»дагиларга йил давомида ҳомийлик ёрдами кўрсатган бўлса, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси қариялар ва ногиронлар учун 68 дона бепул йўлланмалар ажратди. Республика мустақиллигининг ўн икки йиллиги ва Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 7747 нафар ногирон ва нафақахўрлар ҳомий ташкилотлардан 30 миллион 512 минг сўмлик совғалар олдилар.

Бугунги кунда вилоят бўйича 595 нафар якка-ёлғизлар рўйхатга олинган бўлиб, уларга 100 нафар ходим ижтимоий хизмат кўрсатмоқда. Якка-ёлғизларга биргина ўтган йил давомида 41 миллион сўмлик тўққиз хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шу билан бирга муҳтожларнинг ҳар қайсисига ҳомийлар томонидан 15 минг 259 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. 49 нафар якка-ёлғизларнинг уйлари таъмирланди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ўтган йили нафақахўр ва ногиронларни соғломлаштириш мақсадида «Олтиариқ», «Косонсой», «Товоқсой» сиҳатгоҳларига 547 дона йўлланмалар ажратилди.

Муҳтожларнинг 116 нафари ногиронлар аравачаси, 15 нафари эшитиш мосламаси, 300 нафари ҳасса, 153 нафари қўлтиқтаёқ билан таъминланди. Имтиёзли бензин олиш ҳуқуқига эга бўлган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фуқаролардан 436 нафарига 22 миллион 227 минг сўмлик товон пуллари тўланди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# РЕСПУБЛИКАДА ЭНГ ЯХШИ

## кўрик-танловда Зарафшон шаҳри мактаблари III ўринни олишди



***Зарафшон шаҳридаги ўқув даргоҳлари болалар ва мактабгача тарбия муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ўтганлиги баҳорданоқ бошланиб кетган эди.***

Шу мақсадда ўтган йилнинг 23 апрелида шаҳар ҳокими қарори қабул қилинди ҳамда Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш ва таъмирлашда оталиқ ёрдамини кўрсатиш ҳақида хат билан чиқди. Шундай қилиб ҳомий ташкилотлар томонидан ўқув ва тарбия масканларини жорий ва капитал таъмирдан чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Барча сантехник жиҳозлар, иситиш тармоқлари, электр қисмлари ва бошқалар тўла текширувдан ўтказилиб, бекаму кўст таъмирланди.

Карьер, «М» шахтаси, ЦРМЦ, Довғистов, Қизилқум экспедициялари ўз оталиқларидаги мактабларнинг қишки ва ёзги спорт майдонларини замонавий талаблар даражасида жиҳозладилар. 2-ГМЗ ўз оталиғидаги 2-мактаб спорт зали ва ўйин майдончаларини тамомила янгидан қуриш ишларини ниҳоялади. Комбинат бошқарма ва бўлимлари томонидан ўтган йилнинг ўзида шаҳардаги мавжуд 12 та мактаб, 3 та мактабгача тарбия муассасаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Шодлик» болалар уйи, ва бошқаларда ҳаммаси бўлиб 200 миллион сўмликдан ошиқ иш бажарилди. Натижада барча ўқув ва тарбия даргоҳлари иситиш тармоқлари бугунги кунда аъло даражада ишлаб турибди.Мактаблар тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Зарафшон халқ таълими бўлими ўтган йилнинг сентябрида «2003-2004 ўқув йилига энг яхши тайёргарлик кўрган мактаблар» республика кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Шуниси эътиборлики, халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллиги ўртасидаги яқин ҳамкорлик соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили турли маданий тадбирлар ўтказилиши билан бир қаторда ҳомийлар ёрдами билан 30 нафар кишини санаторийларда, 20 нафар кишини дам олиш уйларида, шунингдек, 25 нафар болани марказий руда бошқармаси оромгоҳларида соғломлаштиришга эришилди. Мактаблар қошида ташкил этилган кундузги дам олиш масканларидан 200 нафар бола дам олдирилди.

**Антонина АЛЕКСАНДРОВА,**
**Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар вакили**

# КОНИМЕХДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

***Конимех Навоий вилоятининг чўл ҳудудида жойлашган туманларидан бири. Унинг бепоён яйловларида бугунги кунда 325 минг бошдан ортиқ қўй-қўзилар боқилмоқда. От ва туячилик ривож топмоқда. Вилоят ҳокимлиги белгилаган тадбирларга асосан аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга кенгроқ жалб қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, туманда инфратузилмани такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.***

Туман маркази ва овуллар деярли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Газ қувурлари ҳатто туман марказидан юз километр олисликдаги «Сарабел» хўжалиги марказидаги аҳоли хонадонларигача етиб борди. Туманда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида дадил қадамлар қўйилмоқда. Ўтган йили туман марказида 80 иш ўрнига эга бўлган полипропелен қоплари тайёрлашга мўлжалланган «Конимехобод» корхонаси ишга туширилди. Вилоят «Миллий банки» 603 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Полипропелен тайёрлашдан тортиб турли ўлчамдаги қоплар тикиш ва уни харидорларга етказишгача бўлган жараёнлар шу ернинг ўзида бажарилмоқда. Корхона ўтган йил охирги чорагида ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли уддалади. Айни чоғда бу ерда тайёрланган сифатли маҳсулотлар «Навоийазот», «Қизилқумцемент» сингари саноат корхоналари эҳтиёжи учун ишлатилмоқда.

Туманда тайёрланаётган қоракўл териларни халқаро бозорга чиқариш чорвадорларни ўйлантириб келаётган ўткир муаммолардан бири эди. Муаммони ечишнинг яхши йўли топилди. Новосибирскдаги «Диамет» фирмаси билан ҳамкорликда «Сарабел-Диамен-Каракуль» қўшма корхонаси очилди. Йилига 10 минг дона қоракўл терини ошлаш ва ундан тайёр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга қўшма корхонада ҳозирча россиялик мутахассислар ёрдамида қайта тайёргарликдан ўтган 7 нафар маҳаллий мутахассислар ишлашмоқда. Яқин келажакда корхона имкониятлари кенгайиши ҳисобига ишловчилар сони янада ошади.

Конимехда ҳозирги кунда қўшни Тожикистоннинг «Қайроққум» гилам комбинати билан ҳамкорликда жундан гилам ипи ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши ишлари жадал давом эттирилмоқда. Тайёрлов ва йигирув цехларида 50 фоиз жун ва 50 фоиз нейтрондан ип тайёрлайдиган, 248 нафар киши меҳнат қиладиган бу корхона шу йилнинг Наврўз байрамигача иш бошлайди.

Туманда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. 1290 нафар болага 5 миллион 774 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. 731 нафар ўқувчига 9 миллион 984 минг сўмлик иссиқ кийим-бош олиб берилди.

Мактабларнинг моддий-техника базаси тубдан яхшиланиб, спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Мактабларни ўтган йил ёз ойларида жорий таъмирлаш учун ота-оналар ва ҳомий ташкилотлар ёрдами сифатида 119 миллион 33 минг сўм маблағ сарфланди. Болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳам жуда катта амалий қадамлар қўйилди. Жумладан спорт майдончаларида Навоий тоғ-кон металлургия комбинати 5-кон бошқармаси томонидан 14 миллион сўмлик иш бажарилди. Болаларга 2,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

**Мурод НОРБОЕВ**

# СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ

## фойдаланишга топширилди

Навоий тиббиёт коллежида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш мақсадида беш йўналиш бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Коллежнинг 880 ўринли икки ўқув бинолари қисқа вақт ичида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Яқинда талабаларимиз қурувчилардан яна бир ажойиб совға олишди. Спорт-соғломлаштириш мажмуи фойдаланишга топширилди. 460 миллион сўмлик иш бажарилган бу соғломлаштириш масканида талабалар энди спортнинг кўплаб турлари бўйича машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, атрофдаги маҳалла ёшлари ҳам бу қулайликдан фойдаланишлари мумкин. Ўқув хоналари таълим ва тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган 78та компьютер, 10 та кодоскоп, 4 комплект лингафон, 10 та видеокўз ва видеомагнитафон, сканер, центрифуга, ЭКГ аппаратлари билан жиҳозланган. Коллежимизга Жаҳон банки ва Корея давлати кредитлари ҳам жалб этилган.

Кутубхона фонди 18787 нусхада бўлиб, 8711 номдаги илмий, бадиий адабиётлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланган. Шунингдек, кутубхонамиз замонавий типда жиҳозланган ўқув залига эга. Компьютерларнинг энг илғор алоқа тизими—интернетга уланганлиги ўқитувчи ва талабалар тиббиёт янгиликларини ўз вақтида ўрганишлари учун кенг имконият яратмоқда.

Талабаларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 67 та спорт, «тиббиёт юлдузлари», бадиий ижодкорлик ва илмий-ижодий фан тўгаракалари фаолият кўрсатмоқда. 76 гуруҳда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, кечалар, учрашувлар ва суҳбатлар ёшларимизнинг илмий тафаккурини ва изланувчанлигини оширмоқда. Улар вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Ўқитувчилардан 4 нафари «Саломатлик лойиҳаси» асосида Даниянинг Копенгаген шаҳрида ўз малакаларини ошириб келишди ва улар қишлоқ врачлик пунктларида ташкил этилган ўқув курсларида шу кунга қадар 15 нафар врачга, 90 нафар ҳамширага иш жараёнини ташкил этиш усулларини ўргатишди.

Билим даргоҳимизда ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яхши ўқиган талабаларга махсус стипендиялар жорий этилган. Ўтган йили 14 киши касаба уюшма йўлланмаси билан дам олдирилди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан 13 боланинг мучал тўйлари ўтказиб берилди.

**Абдурасул СИДДИҚОВ,**
**Навоий тиббиёт коллежи директори**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Ўтган йил касаба уюшма қўмитамиз учун эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари республика Марказий қўмитасининг қарорига асосан Навоий шаҳридаги «Олтин водий» маҳалласи корхона оталиғига олинган эди. Ишни маҳалла қўмитасига янги иш хонаси топишдан бошладик.***

# ҲАР БИР ОИЛА ЭЪТИБОРДА

Қўмита олдидаги майдонча тартибга келтирилиб, кўкаламзорлаштирилди, гулу гулзорга айлантирилди. Маҳалла учун зарур бўлган стол-стул ва бошқа жиҳозлар олиб берилди.

Завод ишчилари яшаётган 122-уйнинг кириш йўлаклари, майдончалари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Санитар-техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шу каби қурилиш-монтаж ишларига 4 миллион 416 минг сўм маблағ сарфланди. 15 нафар кам даромадли оила фарзандларига байрам совғалари улашилди. Шунингдек, кам даромадли, 18 ёшга етмаган оила фарзандларини меҳнат қонунлари доирасида иш билан таъминлашга ҳам эътибор қаратилди. Корхонада ишлаб кетган уруш қатнашчилари, Афғон воқеалари иштирокчилари ҳам корхона эътиборини ҳар қадамда ҳис қилиб туришибди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 7 баробари миқдорида рағбатлантирилдилар.

Ўтган давр ичида соғломлаштириш тадбирларига ҳам катта аҳамият берилди. Завод ишчиларидан 14 нафарининг республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида даволанишлари ва дам олишлари учун 1 миллион 722 минг сўм сарфланди. Уларнинг 32 нафар фарзанди вилоятимиздаги «Офтобжон» ва «Цементчи» оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

**Л. КАМЕЛОВА,**
**«Электрохимзавод» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: тиббиёт ходимлари учун қонунларда белгиланган иш вақти, умуман иш вақтининг муддати тўғрисида тушунтириш берсангиз.***

***Тиббиёт ходимини ёки бошқа ходимни бир иш куни давомида 12 соатдан ортиқ ишга навбатчиликка жалб қилиш мумкинми?***

**П.СУЛАЙМОНОВА,**
**тиббиёт ходими,**
**Фарғона вилояти**

**ЖАВОБ:** меҳнат қонунчилигида иш вақти режими дейилганда ходимлар учун белгиланган иш вақти муддатининг муайян календар даври, яъни сутка, ҳафта, ой ва йил доирасидаги тақсимоти тушунилади. Муассасаларда иш вақтининг режими касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланган ички меҳнат тартиби қоидалари ва иш сменаси жадваллари билан тартибга солинади. Шу сабабли муассасанинг ҳар бир ходими бу ҳужжатлар билан имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 115-моддасига мувофиқ ходим учун иш вақтининг нормал муддати, иш ҳафтасининг беш кунлик ёки олти кунлик бўлишидан қатъий назар, ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунга муассасанинг маъмурий-хўжалик ходимлари (бош ҳисобчи, ҳисобчи, иқтисодчи, ходимлар ишини олиб борувчи мутахассис, боғбон ва бошқалар) киради. Уларнинг иш соатлари ҳар куни ҳисобга олиб борилади.

Агар иш вақтини жамлаб ҳисобга оладиган, яъни сменали ишлар бўладиган бўлса, ҳисобга олинадиган давр (ой, йилнинг чораги, йил)даги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур. Бу ўринда ҳар календар йилнинг бошида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган «Иш вақти ҳисоби»дан фойдаланмоқ зарур. Бу ҳисоботда ҳар ойида иш соати қанча соатни ташкил қилиши кераклиги аниқ қилиб кўрсатилган.

Масалан: 2003 йил декабр ойида беш кунлик ва қирқ соатлик иш ҳафтасида ишлайдиганларнинг умумий иши 175 соатни, 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганларнинг умумий иши 173 соатни ташкил қилади.

Сиз тиббиёт ходими бўлганлигингиз сабабли тиббиёт ходимлари учун меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган иш вақти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Тиббиёт ходими дейилганда тиббиёт ўрта махсус билим юртини ёки олий ўқув юртини тамомлаган ҳамда ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилаётган шахс тиббиёт ходими деб тушунилади.

Тиббиёт ходимларининг иш режими бўйича амалдаги қонунчиликда имтиёзлар белгиланган, яъни уларга қисқартирилган иш вақти жорий қилинган. Бу қисқартирилган иш вақти фақат Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда ишлаётганларга тегишли бўлмай, балки бошқа вазирликлар, бошқармалар ва идораларда (темир йўл, авиация, курортлар бошқармаси, хусусий поликлиника ва бошқалар), яъни мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ишлаётган тиббиёт ходимларига ҳам тегишлидир. Бу Меҳнат Кодексининг 118-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1998 йил 12 мартдаги қарори билан қонунлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланган.

Конституциявий суднинг бу қарори Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги № 131-сон буйруғи билан эълон қилинган.

Тиббиёт ходимлари орасида ҳафтасига 36 соатдан ҳам кам ишлайдиганлар бор. Масалан, бундай лавозимлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорининг 8-иловасида кўрсатилган.

Меҳнат Кодексининг 116-моддасига мувофиқ юқорида кўрсатиб ўтилган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган бўлса-да, уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ тўлиқ тўланади.

Вилоятларда хизмат сафарида бўлинганда иш берувчилар, касаба уюшма қўмиталари аъзолари ва раислари ходимлар бир иш сменасида навбатчилик қилганда 24 соатда ишлаши мумкинми деган савол беришади. Бу саволга Меҳнат Кодексининг 123-моддаси талабларини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Бу моддага асосан ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан муассасада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Бунда кундалик иш вақтининг муддати эса ўн икки соатдан ошиб кетмаслиги зарур.

Шундай экан ходимларнинг кундалик иш вақтининг навбатчилик муддатини жадвалда 24 соат қилиб тасдиқлаш ва уларни бир сменада 24 соатдан ишга жалб қилиш ноқонуний ҳисобланади ва қонуннинг бу талабини ўзгартириш ҳуқуқи иш берувчига, касаба уюшма қўмитасига ёки бошқа органга берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат Кодексини, жумладан, «Иш вақти» ва «Дам олиш вақти» бобларини қабул қилишда ходимларнинг доимо соғ-саломат бўлишлиги, касалликларга чалинмаслиги ҳисобга олинган.

Иш вақти муддатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига берилган.

Иш вақти жадвали касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланиши керак. Шу сабабли касаба уюшма қўмитаси ходимлар учун тузилган иш вақти жадвалини кўриб чиқиш вақтида у қонун талабларига тўлиқ амал қилинганлигига аҳамият бериши зарур.






Хоразм вилояти ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори Баҳром Ёқубов воҳа ўқитувчилари ўртасида катта ҳурмат қозонган зиё тарқатувчилардан саналади.

Сабаби истеъдодли мураббий ўз иш фаолияти жараёнида изланишдан чарчамайди. Қатор рисола ва монографиялар тайёрлаш билан биргаликда мунтазам равишда газета ва журналларда долзарб мавзулардаги мақолалари билан ҳам қатнашиб туради.

**Суратда: Б.Ёқубов соҳа янгиликлари билан ходимларни таништираётган пайт.**

**Б.ЭРНАФАСОВ**
**олган сурат**

## Саволингизга Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Ғофур Ғойибов жавоб беради

***САВОЛ: қонун ҳужжатларида 18 ёшга тўлмаган фуқаролар учун иш вақтининг қисқартирилган муддатлари белгиланганми?***

**К.ЖОНУЗОҚОВ,**
**Ромитан тумани**

**ЖАВОБ**: ўспиринлар учун иш вақтининг аниқ муддати корхона, ташкилот, муассаса бўйича ишлаб чиқилган ички меҳнат тартиби қоидалари иш сменаси жадвалларида ёки бевосита меҳнат шартномаларида белгилаб қўйилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам иш ҳафтасининг умумий муддати қонун ҳужжатларида уларнинг ёшларига яраша белгиланган иш вақти меъёрларидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Меҳнат Кодексининг 242-моддасига асосан ўспиринлар учун иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари белгиланган:

– 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимларга, шунингдек таътил даврида ишлаётган 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчиларга йигирма тўрт соат;

– 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга ўттиз олти соат;

– ўқув йили мобайнида ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчиларга ўн саккиз соат;

– ўқув йили мобайнида ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчиларга ўн икки соат миқдорида белгиланган бўлиб, бир ҳафталик иш вақти ушбу меъёрлардан ошиб кетмаслиги лозим.

## Саволингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: ходимнинг мажбурий равишда бекор юрган вақти учун ҳақ тўланадими?***

**Ў.РАЖАБОВ,**
**Гурлан тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 188-моддасига мувофиқ, ходим меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум қилинган барча ҳолларда, шу жумладан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаслик оқибатида келиб чиққан мажбурий равишдаги бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришга ҳақли.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилиниши туфайли юзага келган меҳнат низоларини кўриб чиқиш пайтида, мажбуран ишланмаган вақт учун ходимнинг талаблари меҳнат низоларини кўриб чиққан суд ёки меҳнат низолари бўйича комиссия томонидан бир йилдан кўп бўлмаган вақт учун қондирилади.

Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилади. Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси МК 275-моддасида белгилаб қўйилган.

## БУ БАРЧАГА БИРДЕК ЗАРУР

**САВОЛ: қишлоқ хўжалиги ширкати умумий йиғилишининг қарори ким томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин?**

**Б.ҲАКИМОВ,**
**Марҳамат тумани**

**ЖАВОБ**: қишлоқ хўжалиги ширкати умумий йиғилишининг қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Бу масала хўжалик судида ёки фуқаролик судларида кўрилиши мумкин бўлиб, судловга тегишлилик масаласи ҳақиқий эмас деб топилиши сўралаётган умумий йиғилиш қарори қайси масала юзасидан қабул қилинганлиги ва ким ариза бераётганлиги (жисмоний ёки юридик шахс)га қараб белгиланади.

Агар қабул қилинган умумий йиғилиш қарори меҳнат муносабати юзасидан бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судда, иқтисодий муносабатлар бўйича эса, хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

Хўжалик судларига мурожаат қилиш тартиби эса Хўжалик процессуал кодексида белгилаб қўйилган.

**САВОЛ: – мен бир йилдан бери ажратилган ерда меҳнат қиламан. Бироқ яқинда туман ҳокими ерни мендан қайтариб олиш тўғрисида қарор чиқарди. Мен бу қарордан норозиман. Кимга мурожаат қилишим мумкин?**

**К.ОРИПОВА,**
**Навоий вилояти.**

**ЖАВОБ**: ҳокимнинг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ўзингиз истиқомат қилаётган вилоятдаги хўжалик судига мурожаат қилинг.

**САВОЛ: ширкат хўжалигимиз ҳудудида фермер хўжалиги ташкил этилган. Ишонч хатига асосан мол-мулклар, товарлар, инвентарлар, жиҳозлар, қорамоллар, товуқхона ва молхоналар унга ўтказилган. Фермер хўжалиги эса шу кунгача қарзларини тўламади, олинган нарсаларни қайтармади. Унинг бундан кейин ҳам тўловга қобилиятли бўлишига ишониш қийин. Ҳозир биз мол-мулкларни қайтариб олсак, фермер хўжалиги тугатиб юборилиши мумкин. Бу ҳолатда қандай йўл тутганимиз маъқул?**

**С.НОСИРОВ,**
**Касби тумани.**

**ЖАВОБ:** қандай йўл тутиш Сизнинг мақсадингизга боғлиқ. Яъни фермер хўжалиги фаолиятини давом эттирилишини истасангиз, унинг оёққа туриб олиши учун яна қўшимча ёрдам беришга ҳақлисиз.

Агар фермердан фақат мулкингизни қайтариб олишни хоҳласангиз ва унинг тақдири Сизни қизиқтирмаса барча мол-мулкларни қайтариб олиш тўғрисида ёки фермерларни банкрот деб эътироф этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

**САВОЛ: фермер хўжалигини тугатиш тўғрисидаги туман ҳокимининг қарори суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилса-ю, лекин ҳокимлик томонидан фермер хўжалиги ерлари қайтариб берилмаса, қаерга мурожаат қилиш мумкин?**

**А.БОҒИБЕКОВ,**
**Манғит тумани**

**ЖАВОБ**: суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ижро этилиши шарт. Шу боис суд қарорининг ижроси бўйича суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятининг моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлимига мурожаат қилишингиз лозим.

**САВОЛ: ширкат хўжалигимиз малакали юристга муҳтож. Ҳозирги юристимизнинг эса малакаси етарли эмас. Олий хўжалик судида «Хўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази ташкил этилган, деб эшитгандик. Юристимизни малака ошириш учун юборишимиз мумкинми? Бунинг учун махсус машғулотлар ташкил этиладими?**

**Х.НИЁЗОВ,**
**Нурота тумани.**

**ЖАВОБ:** Олий хўжалик суди ва айрим вилоятлар хўжалик судларида айнан Сиз тилга олган муаммони бартараф этиш, хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари вакилларининг ҳақуқий онгини ошириш мақсадида ўқув маркази ташкил этилган. Сиз исталган пайтда Олий хўжалик суди ўқув маркази ёки унинг филиалларидан бирига мурожаат қилиб, малака ошириш масаласида келишиб олишингиз мумкин.

**Жавоблар Олий хўжалик суди Матбуот маркази билан ҳамкорликда тайёрланди**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

***САВОЛ: ходимларни ишга қабул қилаётганда синов муддати қандай ҳолларда қўлланилади?***

**М.ЭРГАШЕВА,**
**Сирдарё тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 85-моддасининг биринчи қисмига кўра дастлабки синов муддати 3 ойдан ошмаслиги белгилаб қўйилган. Синов муддатининг уч ой доирасидаги аниқ муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланади. Бинобарин, агар тарафлар ишга синов билан қабул қилиш тўғрисида аҳдлашсалар, ундай ҳолда меҳнат шартномасида синовнинг аниқ муддати кўрсатилиши керак.

Меҳнат шартномаси тарафлари ишга қабул қилишда синов тўғрисида келишувга эришмаган тақдирда (масалан, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ходимни синов муддати билан ишга қабул қилишни хоҳласа, ходим эса синовсиз ишга киришни талаб қилса ёки шартнома тарафлари синов муддатининг аниқ давом этиши тўғрисида келиша олмасалар) меҳнат шартномаси тузилмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари фақат меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки синов белгилашни назарда тутади. Бинобарин, меҳнат шартномаси ўзгарганда (бошқа ишга ўтказилганда, меҳнат шароитлари ўзгарганда, иш жойи ўзгарганда) ва бошқа вазиятларда (ишга қабул қилишдан ташқари) синов белгилаш, ҳатто ходимнинг розилиги бўлган тақдирда ҳам мумкин эмас. Чунки бу қонунга нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштиради ва Меҳнат Кодексининг 5-моддаси кучига кўра ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши зарур.

## *Долзарб мавзу*

***Аслида битмас-туганмас хазинадек кўринган табиат неъматлари ҳисоб-китобли. Ширин сув ва тоза ҳаво, тупроқ ва оловсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмаганидек, табиатни тирикликнинг онаси, инсонни ҳақли равишда унинг фарзанди, деб аташ мумкин. Шу боис ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофазалаш, сақлаш ва келажак авлодларга етказиш инсонийлик бурчимиздир.***

# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТГА ОЛИНГАН...

### доривор, ёввойи мевали ўсимликлар, дашту далалар, ўрмонлар ва арчазорлар юртимизнинг бебаҳо бойлиги

Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, Жаҳон метеорология ташкилотининг чўлланиш бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси, физика-математика фанлари номзоди Зоҳиджон Нозировнинг ёзишича иқлимий, экологик муаммо дунё миқёсида ечиладиган вазифалар сирасига киради. Орол муаммоси олам дарди. Сайёрамиз ҳароратининг йил сайин ошаётгани иқлим ва атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатмоқда. 80 фоиз ерлари чўл ҳудудидан ташкил топган Ўзбекистонда қумларнинг кўчиши, ерларнинг тузланиши ошаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида чўлланиш жараёнининг олдини олиш чора-тадбирлари кўриляпти, теракзорлар, иҳота дарахтлари, саксовул экиляпти, яйлов чорвачилиги йўлга қўйилган.

Афсуски эътиборсизлик туфайли бир вақтлар Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларида барпо этилган саксовулзорлар кескин камайиб кетди. Бундай лоқайдлик чўлланиш жараёнини кучайтириб, минтақадаги табиатни салбий томонга ўзгартирди.

Инсоният хатосини тўғри тушуниб, табиий ресурслар потенциалини кўпайтириш йўлига ўтди. Ўзбекистон Жаҳон метеорология ташкилотининг аъзоси сифатида иқлим ўзгариши билан вужудга келган қийинчиликларни юмшатиш дастурини ишлаб чиққан.

Республикамиз газ саноатининг йирик корхоналаридан ҳисобланган Шўртан газ кимё мажмуи бир йилда 4,5 миллиард куб метр олтингугуртли газни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда йилига 125 минг тонна полиэтилен хомашёси ишлаб чиқариляпти. Истеъмолчиларга 4 миллиард куб метр сиқилган газ, кўплаб миқдорда пропан-бутанли суюлтирилган газ ва енгил конденсат етказиб берилади. Халқ хўжалиги учун 5 минг тонна плёнка, 10 минг тонна қувур ўрайдиган материал тайёрланади.

Мажмуанинг газдан маҳсулот ажратиш қурилмалари энг сўнгги фан ютуқлари ва замонавий технологиялар асосида яратилган. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳавога чиқариб ташланадиган зарарли моддаларни тўлиқ ушлаб қолиш имконини бермайди.

Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитаси мутахассисларининг таъкидлашича, технологик жараёнлар давомида йилига 2812 тоннадан ортиқ ифлос моддалар атмосферага чиқарилади. Шунинг 60,6 фоизи азот оксиди, 20,8 фоизи этилен, 4,8 фоизи циклогексан, 3,7 фоизи қурум ва 10,7 фоизи бошқа кимёвий моддалардан иборат. Зарарли элементларнинг атрофга таъсир этиш доираси мажмуадан 5 километрлик радиусда белгиланган.

Ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун соатига 1,5 минг куб метр сув талаб этилади. Бундан соатига 220-240 куб метр ифлосланган оқова сув чиқади. Бундан ташқари йилига 1120 тонна алюмин оксиди, 80 тонна селекагель элементи, 165 тонна полиэтилен ушоқлари, соатига 1275 куб метр чанг чиқариб ташланади.

Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ифлос моддаларни зарарсизлантириш технологияси ишлаб чиқилган. Газ-кимё мажмуи санитария ҳимоя ҳудудини ташкил қилиш учун 1998 йилда Шўртан махсус ўрмон хўжалиги тузилди. 10 минг гектар майдонни эгаллаган ҳудудда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. 50 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Асосан заҳарли газларни ютиб, ҳавони тозалаш хусусиятига эга бўлган туя арча, нон жийда, қайрағоч, ясин, айлан, каталпа, ток, анор ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахтлар ўстириляпти. Мажмуа атрофида барпо этилган 2400 гектарлик саксовуллар ва мевали боғлар «яшил қалқон» бўлиб, экологик мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

Қарши шаҳридаги Рогузар маҳалласи тоза ва ободлиги учун фахрий диплом ва 5,5 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Шунга қарамасдан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари Китоб туманида экологик назорат мақсадга мувофиқ ташкил этилмаганлигининг гувоҳи бўлишди. Атрофи баланд тоғлар ва ям-яшил дарахтзорлар билан ўралган сўлим масканда табиат муҳофазаси эътибордан четда қолдирилган. Тумандаги 951 та корхона ва ташкилотнинг 53 таси экологик назоратга олинган. Бироқ улардан 37 тасида меъёрий ҳужжатлар расмийлаштирилмаган, 17 тасида сувдан фойдаланиш китоби йўқ. Туман коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли чиқиндихонада ахлатлар вақтида зарарсизлантирилмаяпти.

4,7 гектар ҳудудни эгаллаган «Қашқадарётранс»га қарашли 76-очиқ ҳиссадорлик жамиятида экологик аҳвол яхши эмас. Корхона раҳбарлари тез-тез алмаштирилаётганлиги туфайли атроф-муҳит муҳофазаси билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Аҳоли ўртасида ер ости сув заҳираларидан фойдаланиш тўғрисидаги тарғибот-ташвиқот ишлари сусайтириб юборилган. Қайси корхона ва ташкилотга борманг, тоза ва танқис ҳисобланган ичимлик суви жумраклардан беҳуда оқиб ётибди.

Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти атроф-муҳит ҳимояси ва экология кафедраси мудири, халқаро биосфера фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Ш.Муродовнинг таъкидлашича, олимлар томонидан Қашқадарёдан ташқари Сурхондарё, Навоий вилоятларида ҳам илмий изланишлар олиб бориляпти. Ҳозирга қадар 10 миллион сўмдан ортиқ хўжалик шартномалари бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида «Экология асослари» китоби чоп этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан «Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш» фанидан маъруза матни қўлланма сифатида ўқув юртларига тавсия этилди. Рус ва ўзбек тилларида «Умумий экология» мини дарслиги, «Геология ва гидрогеология» дарсликлари чоп этиляпти. Республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказиляпти. Олимлар ва иқтидорли талабалар «Экватэк», «Чистая вода», «Инновация» мавзуларида ташкил этилаётган нуфузли халқаро анжуман ва симпозиумларда фаол қатнашмоқдалар. Олий ўқув юртида «Эко-кашфиётчи» клуби ишлаб турибди.

Кафедрада Украина муҳандислик педагогика ва халқаро биосфера фанлари академиялари, Москва Давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа қатор олий даргоҳлар билан илмий-услубий ҳамкорлик ўрнатилган.

Қашқадарёда давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаларининг сув хўжалиги раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, Оролни қутқариш жамғармаси, АҚШнинг «ЮСАИД» агентлиги ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда жамғармалар экспертлари иштирок этган бу йирик анжуманда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ**
**«Ишонч» мухбири**

